

Маҳжуб билан маҳрумнинг фарқи



11:24 / 17 июль 444

Маҳжуб билан маҳрумнинг ўртасида нозик фарқ бор. Кишининг меросдан маҳрум бўлишига қатл ёки турли динда бўлиш каби сифатлар сабаб бўлса, бу истилоҳда маҳрум ва мамнуъ, яъни ман қилинган деб аталади. Унинг мерос олмаслиги ман этилиш ва маҳрумлик дейилади. Унинг борлиги эътибордан тушади, йўқдек муомала қилинади. Бошқа меросхўрларга ҳам унинг таъсири бўлмайди.

Аммо меросхўр ўзидан кўра марҳумга яқинроқ ёки даражаси кучлироқ меросхўр борлиги сабабли мерос ола олмаса, у маҳжуб дейилади. Мисол учун, ота билан бирга бобонинг бўлиши, туғишган ака билан бирга ота бир аканинг бўлиши. Бундай ҳолатда бобо ўзидан кўра марҳумга яқинроқ бўлган ота борлиги сабабли мерос ола олмайди. Ота бир ака ҳам туғишган ака борлиги сабабли мерос олмайди, чунки туғишган аканинг қариндошлик қуввати ота бир акадан кўра кучлироқдир. Ушбу ҳолатдаги бобо билан ота бир акани «маҳрум бўлди», дейилмайди. Балки уларни маҳжуб (ҳажб бўлди, тўсилди), дейилади. Буларнинг борлиги эътибордан тушмайди. Балки маҳжуб бўлсалар ҳам, бошқа меросхўрларга таъсир ўтказишлари мумкин. Бунини ойдинлаштириш учун баъзи мисолларни келтирамиз:

– Бир эр вафот этиб, ортидан хотини, туғишган акаси, қотил ўғли қолган бўлса. Хотин тўртдан бирни олади. Қотил ўғил эса бу ўринда йўқ, деб эътибор қилинади. Қолган тўртдан учни ($\frac{3}{4}$) туғишган ака асаба ўлароқ

олади. Ўғил эса қотиллик сабабли меросдан маҳрум бўлди. Агар ўғил қотил бўлмаганда, она саккиздан бирни олар, туғишган ака эса ўғил сабабли ҳажб бўлиб, меросдан ҳеч нарса олмас эди. Қолган саккиздан етти асаба ўлароқ ўғилга тегарди.

– Бир киши вафот этиб, ортидан отаси, онаси ва туғишган ака-укалари қолди. Туғишган ака-укалар бундай ҳолатда ота борлиги учун маҳжуб бўлишади. Шу билан бирга, улар онанинг меросига таъсир ўтказишади. Она туғишган ака-укалар сабабли $\frac{1}{6}$ ни олади. Агар улар бўлмаганда, она $\frac{1}{3}$ тўлиқ олган бўлар эди.

«Ислom шариатида мерос илми» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.